

ИККИНЧИ-ЖАХОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА - ЎЗБЕКИСТОН.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг

илмий ходими: **Турғунпўлатова Роҳила**

Иккинчи жахон уруши тарихда инсоният бошига катта ва дахшатли кулфатларни солган уруш бўлди. 1939-йил 1-сентябр куни фашистлар Германияси қўшинларининг Пўлшага бостириб кириши билан бошланган бу уруш 61 мамлакатни, Ер шари аҳолисининг 80% ўз гирдобига тортиди. Уруш йирик давлатлар ўртасидаги ихтилофлар,тажовузкор кучларнинг дунёга ҳукмрон бўлиш учун интилишлари боис келиб чиққан эди.Урушнинг асосий босқинчи давлатлар - фашистлар Германияси ва Италия ҳамда Япония бошлади.Улар орасида Германия уюштирувчи,етакчи рўл ўйнади. Собиқ СССР таркибига кирган барча республикалар, мухтор вилоятлар, округлар,шу қатори Ўзбекистон халқлари ҳам урушга тортилди. Ўзбекистон халқларининг бошига оғир синовлар тушди.Уруш бошланганлиги ҳақидаги бу хабар Ўзбекистоннинг барча шаҳарлари ва туманларида,корхона ва муассасаларда турли митинглар ва йиғилишларда эълон қилинди. Ишчилар,хизматчилар, дехқонлар, зиёлилар, талаба ёшлар ўз Ватанларини ҳимоя қилишга, юзма-юз жангларда босқинчиларни тор-мор этиш учун фронт орқасида фидокорона меҳнат қилишга тайёр эканларини билдирдилар. Вазият бутун мамлакат ҳаётини уруш даври талабларига мослаб қайта қуришни, бутун куч ва восита сафарбар этишни талаб қилган. Урушнинг дастлабки ойидаёқ юз минглаб ватандошларимиз қўлга қирол олиб фронтга жўнаб кетдилар. Ўзбек халқи, кексалар, ота-оналар дахшатли синов пайтида ўз фарзандларини фронтга жўнатар экан,уларга “Мард ва ботир аскар бўл, қахрамонларча жанг қил, ғалаба билан қайт”деб рухлантирганлар. Ўзбекистон партия ва совет ташкилотлари фронт орқасини мустахкамлаш,хўжаликни харбий изга тушириш,кўплаб жанговар техника, қурол-аслаҳа, ўқ-дорилар ишлаб чиқишни йўлга қўйиш, Ўзбекистонда янги заводлар,

шахталар, конлар куриш ҳамда қурол-аслаҳа, ўқ-дори, танк, самолёт, тўп ва замбараклар ишлаб чиқаришнинг дастури белгилаб берилган. Ўзбекистон саноатчилари 1941-йил охиригача 300 юзга яқин корхонани жанговар техника, қуроллар, ўқ-дори ишлаб чиқаришига мослаштириб, қайта қурдилар. Уларда фронтга кетган эркаклар ўрнири кексалар, хотин-қизлар эгалладилар. Урушнинг дастлабки пайтларидаёқ 20 мингга яқин Тошкентлик хотин-қизлар саноат корхоналари ва қурилишларда, 1700 га яқин республика хотин-қизлари кўмир кони шахталарида ишлашга йўл олдилар. Ўзбек халқининг инсонийлик, олийжаноблилик, болажонлик фазилатлари уруш йилларида мамлакатнинг ғарбий вилоятларидан кўчириб келтирилган аҳолига, болаларга кўрсатган меҳрибонлиги ҳамдурдлигида ўз ифодасини топди. Ўзбек халқи урушнинг дастлабки йилларида Россия, Украина, Белоруссия, Молдавия, Болтиқбўйи республикаларидан кўчириб келтирилган бир миллиондан кўпроқ кишиларни, 200 мингдан кўпроқ етим болаларни ўз бағрига олди. Кўчириб келтирилган аҳолини қабул қилиб олиш, жойлаштириш ва уларга зарур шарт-шароитлар яратиш масалаларини меҳнат жамоаларининг йиғилишларида муҳокама қилиш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш ишлари кенг қулоч ёзди. Кўчириб келтирилган болалар турли ёшларда бўлган. 15 ёшларгача бўлган болалар болалар уйлари, мактаб интернатларга жойлаштирилиб, уларда ўқув-тарбия ишлари йўлга қўйилди. Шунингдек ўзининг болажонлик хислатлари билан ном қозонган маҳаллий аҳоли томонидан ҳам кўплаб етим болаларни ўз оилаларига фарзанд қилиб олишди. Тошкентлик темирчи уста Шоаҳмад Шоаҳмудов ва унинг хотини Баҳри Акрамовалар оиласи юксак инсонийлик фазилатларини кўрсатиб кўпчиликка ибрат бўлдилар.



Бу борада Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти Ислон Каримов нинг Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир китобида “Ўша оғир йилларда, бир бурда нон тансиқ бўлган йилларда, Ўзбекистон уруш туфайли уй-жойсиз қолган минглаб оилаларга бошпана берди, нон берди, қанчадан қанча етим –есирларни бошини силади.Халқимизнинг инсонпарварлик ва олийжаноблик фазилатлари тилларда дoston бўлди”. деб такидлаган Уруш йилларида Ўзбекистон жангларда ярадор ёки бемор бўлиб қолган минглаб жангчилар-аскар зобитларни доимий равишда ҳам госпиталга жойлаштириш,саломатлигини тиклаш ишларига ҳам хиссасини қўшган.Республикамиз соғломлаштириш марказларидан бирига айлантирилган, жумладан 39140 ўринга эга бўлган 113 та госпитал фаолият олиб борган. Уруш республикасаноат тармоқларини ҳамтубдан ўзгартирди.Корхоналарда ярги меҳнат режими жорий қилинди, иш куни узайтирилди,ишдан кейин қолиб ишлаш жорий қилинди,меҳнат таътиллари, дам олиш кунлари бекор қилинди.Саноат корхоналари оз муддат ичида харбий изга солиниб,миномётлар, автоматлар,самолётлар, танклар учун эҳтиёт қисмлари шунингдек бошқа харбий қуроллар ишлаб чиқара бошладилар. Республика бўйича 1941-йил охирларига келиб 300 та саноат корхоналари фақат харбий маҳсулот чиқара бошлади.Урушда ғалабага эришиш

транспорт иши билан боғлиқ эди. 1943-йил 25-январда "Тошкент темирйўли иши тўғрисида" махсус қарор қабул қилинди. Темирйўл ҳарбий ҳолатга ўтказилди, ҳарбий хизматчилар каби қаттиқ интизомга бўйсиниш мажбур этиб қўйилди. Бу йилларда Ўзбекистонда янги темир йўллар қурилиши жадал олиб борилди, 1941-1945 йилларда темир йўлларнинг линиялари 2 барабар узайди. Алоқавоситалари ҳисобланган телефон, телеграф ходимлари ҳам уруш талабларига мослашиб ишладилар. Алоқа ходимлари Ўзбекистоннинг Марказ билан, республика раҳбариятининг вилоят, туманлар, юзлаб саноат корхоналари билан телефон алоқасини йўлга қўйдилар. 1943-йилда қуриб ишга туширилган қўшимча 500 километрлик телефон йўли Тошкентни Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон билан боғлади. Йирик корхоналарнинг ўзларида ҳам 50-100 ўринли телефон стансиялари қурилди, Натижада хўжаликларга раҳбарлик қилиш, уларга ўз вақтида қўмаклашиш ишлари яхшиланди. Почта бўлимларида иш ҳажмлари ошиб борди.

Почта ходимлари фронтдаги жангчилар билан уларнинг ота оналари, рафиқалари, қариндошлари орасида алоқа боғловчи кўприк рўлини бажардилар. Уруш қишлоқ хўжалик ходимларини ҳам қаттиқ синовдан ўтказди. Улар хомашё билан, аҳолини озиқ-овқат, кийим-кечак билан узликсиз таъминлашдек улкан, мураккаб бўлган вазифа турар эди. Вазиятнинг мураккаблиги шундан иборат эдики, асосан олганди биринчидан, республика қишлоқ хўжалигини обдан пахта етиштиришга йўналтирилган бўлиб, озиқ овқат маҳсулотлари Иттифоқ фондидан келтирилар эди. Уруш бошлангач, зарурий озиқ-овқат келтириш тухтади. Иккинчидан, эвакуатсия қилинган аҳоли ҳисобига шаҳарлар аҳолисининг кўпайиши озиқ-овқатга бўлган талабни янада ошди. Ўз ўзидан бу вақтда бошқа соҳалар каби ўқув таълимида ҳам қийинчиликлар юзага келиши табиий эди. Шунга қарамай қуйдаги ижобий натижалар ҳам юзага келди. Жумладан ғарбий ҳудудлардаги йирик шаҳарлардан кўплаб илмий муассасалар Ўзбекистонга кўчириб келтирилди. Собиқ ССР ФА нинг Ўзбекистон филиали, республикада фаолият кўрсатиб турган 75 та

илмий муассасалар, шу жумладан, 25 та илмий-тадқиқот институтлари, 23 та илмий станция ва бошқалар республика хўжалик ҳаётини ҳарбий изга солиш билан алоқадор муаммоларни ҳал этишга жалб этилди. Бунинг натижасида 1943 йилда 4-ноябр санасида Ўзбекистон Фанлар Академияси очилди, унинг биринчи президенти этиб таниқли олим Т.Н. Қориниёзийни сайланди. 1945 йилда олий ўқув юртлири сони 1940 йилга нисбатан 3 тага кўпайди ва 33 тани ташкил этди. Бу вақтга келиб талабаларнинг сони 19,1 мингдан 21,2 мингга ортиб борди. Бу қирғинбарот уруши давоми даврида ҳам 10 мингдан ортиқ олий малакали ва 3,7 мингга яқин ўрта махсус маълумотли мутахассислар таёрлар чиқарилди. 6 йил давом этган, бутун инсониятнинг бошига оғир кулфатлар солган иккинчи жаҳон уруши тугади. Лекин минглаб ватандошларнинг кўпи ватанига қайта олмади. Улар ватан учун жонларини фидо этдилар. Жумладан 50 миллиондан зиёд киши ҳолок бўлди, 90 миллиондан ортиқ киши ярадор бўлиб қайтди. Иккинчи жаҳон урушига қандай кўз билан қаралмасин, бу уруш қайси ғоя остида ва кимнинг изми билан олиб борилган бўлмасин, ўз ватани, эл-юртининг ёруғ келажаги, беғубор осмони учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умриларини бевақт ҳазон қилган инсонларни доимо ёдда сақлаб келинмоқдамиз. Ҳозирги тинчлик, эркинлик, кўплаб имкониятларимиз учун улардан миннатдормиз.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси-2006 йил.
2. “Ўзбекистон тарихи”- Академик литцей ва касб хунар коллежлари учун дарслик. Тошкент-2015 йил.
3. “Ўзбекистон тарихи” - Фан нашриёти-2006-йил
4. “Ўзбекистон тарихи”-илмий журнал-2019